

КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИ БИОЛОГИЯСИ ЗАРАРИ

Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна
Исомиддинов Мақсадбек Нурмухаммад ўғли

БИОЛОГИЧЕСКАЯ ЗАЩИТА ОТ ВРЕДИТЕЛЕЙ КАЛИФОРНИИ

Rahmonova Madinaxon Kimsanboyevna
Isomiddinov Maqsadbek Nurmuhammad o'g'li

Анотация; *Diaspidiotus perniciosus* Comst. Ташки карантин объекти хлсобланади. Узбекистонга кириб қолиши мумкин булган бу объект жуда хавфли булиб, 150 дан ортик дарахт ва манзарали экинларда учрайди. Унинг ватани шимолий-шарқий Хитой булиб, у ердан Америка китъасига, у ердан эса 1930 йилларда Европа мамлакатларига келиб қолган.

Калит сўзлар; *Diaspidiotus perniciosus* Comst дарахт хашорат объект

Аннотация; *Diaspidiotus perniciosus* Comst. Объект внешнего карантина создан. Этот объект, который может проникнуть в Узбекистан, очень опасен и содержится более чем в 150 деревьях и декоративных культурах. Его родиной является северо-восточный Китай, оттуда он попал на американский континент, а оттуда в европейские страны в 1930-х годах.

Ключевые слова; *Diaspidiotus perniciosus* Coms *дерево объектов насекомых*

Annotation; *Diaspidiotus perniciosus* Comst. The external quarantine object has been created. This object, which can enter Uzbekistan, is very dangerous and is contained in more than 150 trees and ornamental crops. Its homeland is northeastern China, from there it came to the American continent, and from there to European countries in the 1930s.

Keywords; Diaspidiotus perniciosus Coms tree insect objects

Кириш Ер юзида иқлимнинг глобал ўзгариши, аҳоли миқдорининг

шиддат билан ўсиши, ишлаб чиқариш жараёнининг жадаллашиши кузатилаётган бир даврда, барча соҳалар каби озиқ-овқат етиштириш саноатида қатор муаммолар кўпаймоқда. Ушбу муаммоларни фақатгина илмий асосланган янги инновацион технологиялар яратиш ва уларни жорий қилиш натижасида олинган манбалар орқали ҳал этиш мумкин. Бутунжаҳон озиқ-овқат ташкилотининг (ФАО) маълумотга кўра фақатгина ер юзида етиштирилаётган экинларнинг ўртача 20 фоиздан 40 гача мўлган миқдори зарарқунанда ва касалликлар туфайли нобуд бўлмоқда.

Хозирги кунда бу хашарот кўшни давлатлардан Туркменистон ва Тожикистон ҳамда Кавказ, Украина, Молдавияда учрайди. Таърифи. Ургочи зотининг ранги лимон каби сарик, шакли ноксимон, узунлиги 1,3 мм, кузи, оёғи ва муйлови йук. Калкони юмалок, улчами 2 мм, бўлган, ранги қорамтир ёки қунақ, уртасида 2 та личинка пустининг изи бор. Хўраёт кечириши. Биринчи ёш личинкалари қалқон остида кишлаб чиқади. Булар одатдаги 1-ёш личинкалардан фарқ қилиб, йирикрок қалқон билан (2-2,5 марта катта) қопланган. Совуқ тушиши билан қолганлари (етук зот ва 2-ёш личинкалари) улиб кетади. Февралнинг охирида уйқудаги личинка иккинчи ёшга ута бошлайди. Лекин киш пайтида 20- 50% личинкалар улиб кетади. Дарахтлар кукара бошлаши билан личинкалар озикланишни бошлайди ва 2 марта пуст ташлаб жинсий етук ургочи ва эркак зотларга айланади. Эркак ва ургочи зотларнинг нисбати ўртача бирга-бир тугри келади. Иккинчи бугин учун урчиган ургочи зот 1 ойча етилгач, тирик туга бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, личинкалар она танасида тугилишдан олдин тухумдан очиб чиққан булади. Булар ҳам дарахт бўйлаб тарқаб кетиб янги бугинни бошлаб беради. Ўзбекистон шароитида калифорния қалқондори мавсумда 4-5 та бугин бериши мумкин, У Тожикистон ва Озарбайжон шароитида 4 та бугин беради (Васильев, Лившиц, 1984). Ҳар қайси бугин личинкаларидан бир қисми кишлакка қолади. Ва ниҳоят, охири авлодининг 1-ёш личинкалари махсус тайёргарлик қилиб, она қалқони остида

қишлаб қолади. Аммо, шароит мавжуд бўлса (иссикхона ва бошқа хонадонлардаги усимликлар) калифорния қалқондори йил мобайнида тинмай ривожланиши мумкин. Калифорния қалқондори асосан кучатларда жойдан-жойга тарқалиши мумкин. Зарарланган мевада савдо йуллари билан ҳам тарқалиш имкониятига эга. Калифорния қалқондори асосан мевали дарахтларга, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга зарар етказиши мумкин. Ушбу ҳашарот кўпайиб кетганда олма дарахти пўстлоғи узунасига ёрилиб, шохларни ва бутун дарахтларни қуриб қўяди. Олма меваларидаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади. Дарахтни шох, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва мевасини зарарлайди. Натижада дарахтлар кам ҳосил беради, ёш дарахтлар қуриб қолади.

Калифорния қалқондорининг қалқони юмалоқ ва япалоқ, оч жигар ёки кул ранг тусда бўлиб, диаметри 1,0-1,5 мм дан 2 мм гача бўлади. Қалқоннинг четлари ўртасига қараганда оч тусда бўлиб, эркагининг қаноти бир жуфт бўлади. Ёш личинкаси озиклана бошлаганда оқимтир шира чиқаради, бу шира кейинчалик қалқонга айланади. Биринчи ёш личинкалари шох ва новдалардаги қалқон остида қишлайди. Баҳорда, олма дарахти куртаклари бўрта бошлаганда озикланишни бошлайди ва пўст ташлаб жинсий етук урғочи ва эркак зотларга айланади. Урчиган урғочи зот 1 ойча етилгач 100-120 тадан тирик личинкалар туға бошлайди. Туғилган «дайди» личинкалар қалқон остидан чиққандан сўнг бир неча соат давомида дарахт бўйлаб тарқалиб пўстлоқ ва меваларга ёпишган ҳолда ўзига қалқон ясай бошлайди. Озикланиши давомида пўст ташлаб иккинчи ёшга ўтган личинкалари жинсий етук урғочи ва эркак зотларга айланади ва 2-авлод «дайди» личинкалари пайдо бўлади. Шу тариқа йил давомида 3-4 та авлод беради. Одатда ҳар бир авлод биринчи ёш личинкаларининг бир қисми қишлашга қолади. Кўчат ва зарарланган мева орқали жойдан-жойга тарқалади.

Зараркунандаларга қарши уйғунлашган қураш чоралари

Эрта кўкламда буталган шох ва новдаларни ёқиш, дарахтлар танасини тозалаб танасини оқлаш, боғларни ёшартириш лозим. Мавсум вақтида тухумдан чиққан қалқондорлар сонини билиш учун диаметри 3-5 см бўлган скочни шохларга ёпишқоқ тарафини тепага қилиб маҳкам боғланади. Агар маҳкам бўлмаса, ёш қалқондор личинкалари тагидан ўтиб кетади. Бир боғдан камида 10 та дарахтнинг 2 та шохига скочни боғлаб чиқилади. Ҳар ҳафтада янги скочга алмаштирилади. Ҳар бир жойда скочга ёпишиб қолган қалқондорларни санаб, ёш қалқондорларни қачон кўпайишини аниқлаш мумкин. Скочдаги қалқондорлар сонига қараб пестицид билан ишлов ўтказиш белгиланади. Кимёвий ишловлар қалқондорларнинг биринчи ёш личинкалари кўпайган даврда сепилади. Куртаклар бўртиш вақтида ёғли воситаларни қишлаётган зараркунандаларга қарши пуркаш энг самарали ҳисобланади. Куртаклар бўртиш вақтида дарахтларга минерал мойлар билан таркибида хлорпирифос ёки диазинон бўлган препаратларни аралаштириб ишлов берилади. Вегетация даврида эса таркибида [дельтаметрин](#), диметоат, имидаклоприд, лямбдациголотрин, малатион ва хлорпирифос бўлган препаратлар билан ишлов берилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Рахмонова, М. К., & Қодиржонова, Қ. М. (2023). ТУТ ПАРВОНАСИГА ҚАРШИ БИОЛОГИК КУРАШ. *ТА'ЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ONLAYN ILMU JURNALI*, 3(9), 97-101.
- 2 Рахмонова, М. К., & Шоимова, Д. (2022, October). МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЭНТОМОФАГЛАРНИНГ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 7, pp. 143-146).
- 3.Рахмонова, М. К., Шарипова, М., & Анваржонов, Б. (2023). БОҒ ЗАРАРКУРАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ. *Научный Фокус*, 1(5), 181-184.
- 4.Рахмонова, М. К., & Хамдамов, Ж. К. (2022). ОЛМА ҚУРТИ (CAROSORCA POMONELLA L.) ТУХУМҲЎРИ ТРИСНОГРАММА ЕМВРИОНАГУМНИ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИНИ

АНИҚЛАШ. *INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING*, 1(8), 631-636.

5.Рахмонова, М. К., & Шоимова, Д. (2022, October). МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЭНТОМОФАГЛАРНИНГ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 7, pp. 143-146).

6.Рахмонова, М. К., & Хамдамов, Ж. К. (2022). ҚУШҚЎНМАС (*SILYBUM MARIANUM*) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ. *INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING*, 1(8), 637-640.